

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРКАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА КУРИЛИШ  
ИНСТИУТИ  
«ПЕДАГОГИКА ВА КАСБИЙ ТАЪЛИМ» КАФЕДРАСИ**

**РЕФЕРАТ**

**БАЖАРУВЧИ: 201-КТ (К) ГУРУХИ  
ТЛАБАСИ ЯКУБОВ ХАСАН**

**РАХБАРИ: КАТТА УКИТ.  
КАРШУБОЕВА Р.**

*САМАРКАНД-2006й.*

## **ПЕДАГОГИК МУЛОКОТНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

### **I. КИРИШ**

### **II. АСОСИЙ КИСМ.**

1. Педагогик мулокотни такомиллаштиришнинг психологик шарт-шароитлари.
2. Педагларнинг уз ва укувчилар руҳий ҳусусиятларини билиши муомала маданияти шакланишининг дастлабки шарт-шароити сифатида.
3. Мулокот учун бола темпераменти ва уни аниклаш йуллари.
4. Мулокотда укувчининг синф жамоасидаги мавкеини аниклаш йуллари.
5. Самарали тарбиявий таъсир курсатиш.

### **III. Хулоса.**

### **IV. Фойдаланилган адабиётлар руйхати.**

### **КИРИШ**

Инсон тугилган кундан эътиборан дунёни билишга ва унинг ижтимоий жихатларини узлаштиришга харакат килади. Тадқикотимизнинг

долзарбилиги укувчи билан укитувчи уртасидаги муносабатлар, мулокотлар ва шу асосида укувчиларнинг хиссий оламини урганиш асосий мезонлигини очиб беришдир. Педагогик кадрларнинг асосий иш жараёни семантик фаолият билан биргаликда локаматор харакатлардан иборат. Хар иккаласини жипслаштирган холда бевосита педагогик мулокот мухим ахамият касб этади. Тарбия жараёни тарбияланувчилар билан маълум бир максадга асосланган булиб, уз ичига таълим жараёнини хам олади.

Бу жараённи етказиб бериш укитувчининг нуткий кобиляти ва мулокотига боғлик булади. Педагогик ва психологик билимлар шуни курсатдики, куплаб маҳсус адабиётларни куриб чикканимизда тадқик этилаётган муоммолизнинг ишлаб чиқилганлигига гувоҳ булдик. Демак тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш укитувчилар ва укувчилар уртасидаги узаро мулокот жараёнини такомиллаштиришни обьект килиб олади. Хар кандай мураккаб муоммони ечишда педагогик мулокот ва коммуникатив жараён мухим ахамият касб этади. Шу муаммоларни хал этиш учун ва тадқикод олиб бориш учун биз Тойлок туман 5-урта мактабни тадқикот обьекти килиб олдик.

Мактабда педагогик мулокот билан боғлик катор сурвнома ва тестлар утказишга харакат килинди. Натижа шуни курсатдики, педагогик мулокот укитувчидан кучли билим ва малака талаб килар экан. Шу муаммоларни хал килиш жараёнида ишимиизда бир канча максадларни урганишга карор килдик. Жумладан:

- Мулокотда булишнинг шарт-шароитлари;
- Педагогик мулокотнинг амалга оширилиши лозим булган жихатлари;
- Укувчилар уртасида обруга эга булиш ва уни эгаллаш усувлари кабилар;

Шу аснода педагогик мулокотнинг психологик томонларини очиб бериш асосида иш режамизга куйидаги вазифаларни киритдик.

1. Мулокот учун укувчи темпераментини аниклаш
  2. Тестлар утказиш
  3. Натижаларни тахлил килиш
  4. Мулокот ва ташкилотчилик кобилятларини аниклаш
  5. Синалувчига курсатмалар бериш асосида биз тадқикотимизнинг вазифаларини ечишга харакат килдик.
1. Тадқикотимизнинг янгилик элементлари шундан иборатки бир канча вактлардан бери урганилиб келинаётган мулокотнинг психологик томонлари хакида катор адабиётларни амалиёт билан уйгунаштириб тахлил килиб булгувси педагог ва психологик кадрларга илмий ва амалий ёрдам беришдан иборат.
- Тадқик этилаётган ишнинг илмий ва амалий ахамияти шундан иборатки, тест оркали педагогик мулокотни шакллантириш хамда укувчининг темперамент хусусиятларини урганишни булгуси кадрларга тавсия килишдан иборат эканлигига амин булдик.

## **I. Педагогик мулокотни такомиллаштиришнинг психологик шартшароитлари.**

Маълумки, педагогик фаолиятда укувчилар билан узаро муносабатда булишда мулокот жараёни етакчи уринни эгаллайди. Укитувчи мулокот оркали укувчиларга билим беради, тарбиявий таъсир курсатади яъни унинг фаолиятининг аксарият кисмини мулокот ташкил килади. Одатда мулокот деганда кишиларнинг узаро маълумот, фикр, хис-туйгу, кайфиятлар ва хакозолар алмашиш асосида бир-бири билан нуткли ёки нутксиз алокалар урнатиш ва ривожлантириш жараёни тушунилади. Бундай таърифга таяниб таълим ва тарбия жараёнига хам мулокот тушунчаси оркали ёндашиш мумкин. Бундай холда таълимни укувчиларда маълум билим, куникма малакаларни шакллантиришга йуналган, систмали ташкил килинган укитувчи ва укувчи уртасидаги мулокот жараёни сифатида караш мумкин. Тарбия жараёни эса тарбияланувчиларда максадга мувофик шахс хусусиятларини узгартеришга йуналган тарбиячилар ва тарбияланувчилар уртасидаги узаро мулокот жараёнидан иборатдир.

Демак, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш укитувчилар ва укувчилар уртасидаги узаро мулокот жараёнини такомиллаштиришни талаб килади.

Бундай мураккаб муоммони ечиш педагогларда коммуникатив яъни мулокот куникмаси, малакаларни шакллантириш билан боғликдир.

Хар бир педагог мулокотда уз маҳоратини ошириш учун укувчилар билан мулокотни самарали ташкил килиш йулларини, унинг ижтимоий психологик асосларини чукур билиши лозим.

Педагогик мулокот жараёни дастлабки карашда содда туйилади. Педагог гапиради, укувчи эшитади ёки аксинча лекин бу мулокотнинг факат ташки, юзаки томони, аксинча, мулокот жараёни жуда мураккаб, куп киррали жараёндир. Одатда мулокотнинг учта томонини ажратиш мумкин. Мулокот жараёнида кишилар узаро мулокот алмашишадилар, бир-бирларига маълум таъсир курсатадилар ва бир-бирни идрок килишади. Шунингдек педагог мулокотида хам узаро узвий боғлик булган учта таркибий кисм бор.

Улар куидагилар:

- доимий мулокотда буладиган укувчиларнинг руҳий хусусиятлари хакида маълумотга эга булиш;
- укувчилар билан максадга мувофик муносабат урнатиш;
- самарали тарбиявий таъсир курсатиш.

Укитувчининг муомала маданияти унинг куидаги билим, куникма ва малакаларга эга булишида номоён булади:

1. Узининг психологик хусусиятларини билиш ва узини бошкара олиш;
2. Мулокотда булаётган кишининг ташки киёфаси гапириш, имоишоралар ва юриш туришига караб унинг психологик хусусиятлари хакида тугри хулоса чикариш;
3. Мулокотда булиш яъни одамларга ёкиш ва уларга таъсир курсата олиш куникмаларига эга булиш;

4. Шахслараро вазиятларни тугри баҳолай билиш ва шу вазиятга мос хатти-харакат килиш;
5. Узини укувчи урнига куя билиш ва ходисаларга укувчи нуктаи назаридан карай олиш;

Бошкача килиб айтганда, муомала маданиятига эга булиш бу кишининг качон, каерда, кандай муомалада булиши, мулокотда узини кандай тувиш кераклигини булиши шахслараро муносабатда фаросатлилик демакдир.

Одатда ёш укутивчилар дастлабки иш бошлаганларида мактабда таълим тарбия жараёнини узгартириш учун янги гоялар фикрлар муроҳазаларга бой буладилар. Муносабат психологиясини билмаган ёш укутивчи узининг янги фикрларини дабдурустдан, худди тажрибали укутивчиларни менсимагандай килиб, педагог жамоани узига карши килиб куяди. Аксинча, ижтимоий психологик етук киши уз гоясининг тарафдорини топиб, улар билан маслаҳатлашган холда, биргаликда фикр юритади ва купчилик томондан бу ташаббуснинг кулланишига эришади.

Иккинчи бир мисол, укутивчи узининг касбдоши ёки укувчи фаолиятида, хулк-авторида бирор бир камчилик сезиб колди дейлик. Муносабат конунятини билмаган киши дархол уша камчиликни, танкид килишга ёки маслаҳат беришга киришади.

Ижтимоий психологик билимдон киши эса бундай холда кулай вазият топиб у кишининг аввал яхши ижобий фазилатларини таъкидлаб, кейингина карши томоннинг узгартириши лозим булган хулк-автор хусусиятларини курсатиши мумкин чунки факат шу услул билангина бошка кишига таъсир килиш мумкин.

Демак, укутивчилар укувчилар билан самарали мулокот урнатишлари учун авволо узларининг ва укувчилар шахсининг руҳий хусусиятларини мукаммал билишлари, уларнинг хулк-авторини тугри тушуна олишлари, улар билан максадга мувоғик муносабат урната олишлари ва тарбиявий таъсир курсатиш куникмаларига эга булишлари зарур.

Энди юкорида кайд килинган педагогик мулокот таркибий кисмларини такомиллаштиришнинг психологик томонларини алоҳида караб чикайлик.

## **2. ПЕДАГОГЛАРНИНГ УЗ ВА УКУВЧИЛАР-РУХИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ БИЛИШ-МУОМАЛА ШАКЛЛАНИШИННИГ ДАСТЛАБКИ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ.**

Педагогларнинг укувчилар руҳий хусусиятларини билишлари зарурлиги хеч кандай шубха түгдирмайди. Лекин купгина укутивчилар уз укувчиларининг асосий психологик хусусиятлари хакида юзаки маълмуотга эга эканлиги сир эмас. Купинча бундай ахвол баъзи укутивчиларнинг уз маҳоратининг шаклланмаганлиги сабабли укувчиларнинг руҳий сифатларини билишга харакат килмаслиги билан бөглиkdir.

Бошкада педагоглар эса укувчиларнинг узига хос хулк-автори хусусиятларини билишга интилганларида бунинг учун зарур куникмага эга

булмаганликлари ва бундай услубларни эгалламаганликлари натижасида кийинчиликларга дуч келмокдалар.

Педагоглар укувчилар шахсини объектив баҳолашлари, хатти-харакатларининг ҳакикий мотивларини (сабабларини) аниклашлари ва хулк авторининг кейинги узгаришларини олдиндан тасавур килишлари учун биринчи навбатда уларнинг куйидаги узига хос рухий хусусиятларини билишлари лозим.

-укувчининг оиласиий ахволи, оиласидаги моддий маданий ва ижтимоий мухитни, боланинг оиласидаги ижтимоий урнини;

-боланинг соглиги ва хозирги вактгача босиб утган хаёт йули ҳакидаги асосий биографик маълумотларни;

-укувчиларнинг синф жамоасида тутган урни, обрусини, яъни шахслараро муносабати тизимидағи мавкеини. Бола синфда «йулбошчи» (лидер) «ёқимли муносабатдан четда колган» ёки купчилик томонидан инкор килинган булиши мумкин. Синф раҳбарлари айникса муносабатдан четда колган ёки инкор килинган укувчиларга алоҳида эътибор бериб, синф жамоасида уларнинг мовкеини яхшилаш чораларини куришлари максадга мувофиқдир.

-укувчиларнинг билиш жараёнларининг (диккат хотираси, тафаккури ва х.к) узига хос хусусиятларини;

-укувчилар хис туйгуларини ва иродавий сифатларини;

-боланинг темперамент хусусиятларини билиш улар хатти-харакатини маълум вазиятларда олдиндан куриш имкониятини беради.

Маълумки, сангвиник темпераментли укувчи янги шароитларга тез мослашади, одамлар билан тез тил топа олади, мулокотга киришувчан, сангвиникларда хис-туйгу тез хосил булади ва тез алмашади мимиклари бой, харакатчан, иродали.

Жиддий гоя, максад, ижодий фаолият булмаган холларда сангвиникларда нотургунлик, юзакилик шаклланиши мумкин.

Холерик темпераментли укувчи юкори даражада қузголовчан, жуда эмоционал, жушкин, импульсив, (уйламай харакат килади) булади. Улар кизиккон, жахли тез, максадга интилувчан, ишбилармон кишилардир.

Холерик темпераментнинг номоён булиши шахс йуналишига боғлик булади.

Ижтимоий етук шахсларда холериклик унинг ташаббускорлигига, ишчанлигига, принципаллигига номоён булади. Агар шахс маънавий жихатдан бой булмаса, холерик темпераментини уларнинг жахли тезлигига, аффективлиги ва агрессивлик каби салбий хислатларда номоён булиши мумкин.

Флегматик темпераментли укувчи одатда сокин хотиржам, босик, эмоционал холатлари ифодаланиши юзидан билинмайдиган, аффектив холатларга моил булади. Шароитга караб баъзи холларда флегматиклар ижобий жумладан катиятли, фикрлар чукурлиги максадга йуналганлик каби хислатларга эга булиши мумкин. Баъзи холларда ялковлик, атрофда булаётган ходисаларга бефарқлик, иродасизлик каби салбий сифатларга эга

булиши мумкин. Флегматикларда хулк-авторнинг янги формалари секин шаклланади, аммо улар жуда тургун булади.

Мелонхолик темпераментли бола хатти-харакатлари купинча ташки таъсир кучига мос булмайди. У жуда таъсирчан, кучли таъсир уларда давомли тормизланиш хосил килиш мумкин мураккаб шароитларда улар куркоккроқ, хаёжонли, тортинчок булиши мумкин.

Таълим-тарбия жараёнида укувчилярнинг темперамент хусусиятларини хисобга олиш уларга индивидуал ёндашиш яъни хар бир укувчига узига хос муносабат урнатиш имкониятини яратади. Айникча тарбиявий таъсир курсатишда таъсирчанлик даражаси юкори булган мелонхолик ва холерик темпераментли укувчилар билан эҳтиёткор мулокотда булиш жоиздир.

-укувчининг характер хусусиятлар хам педагоглар билиши зарур булган сифатлардан бири хисобланади. Боланинг характерини унинг бошка одамларга, тирик табиатга мол-мулкка, уз фаолиятига ва узига нисбатан тугри муносабатларини аниглаш оркали урганиш мумкин.

Бу уринда укувчининг узига муносабати, яъни уз-узига берган баҳосини хакида тухталиш уринлидир.

Маълумки хар бир киши узи хакида маълум тасаввурга эга. У бошкалар томонидан берилган баҳоларга, узи эришган ютукларга таяниб узига баҳо беради. Бундай баҳо 3 хил булиши мумкин: 1 тугри баҳо; 2 бир озирилган ёки бир озирилган баҳо; 3 меъёридан оширилган ёки аксинча. Булардан биринчиси энг ижобий баҳо, аммо хаётда унчалик куп учрамайди. Купчилик укувчилар узларининг имконияти ва хусусиятларининг ижобийлигини бир озириб ёки пасайтириб баҳолашга мойил.

Учинчи типдаги баҳо хам куп булмаса хам учраб туради. Шахснинг узига берган баҳоси унинг хулк-авторига кучли таъсир курсатади.

Укувчининг узини кандай тутиши муаммоси интилувчанлик даражаси ва таъсирчанлиги куп жихатдан узига берган баҳосининг унинг хулк-автори кучи даражасига боғлик. Таълим-тарбия жараёнида педагог эътиборининг марказида айникса меъёридан ошириб ёки пасайтириб узини баҳоловчи укувчилар булиши мумкин. Чунки улардан биринчиси тарбиявий таъсирга сезирлик даражаси юкори булса, иккинчиси узини жуда паст баҳолаганлиги учун хам хар кандай танқид, танбехларга ута тъсиран булишади, улар шахснинг ижобий ривожланиши учун уларнинг узига булган муносабатини узгартиришнинг тадбирларини белгилаш ва бу йуналишда катор ишлар олиб бориш максадга муюфикадир.

Уқитувчининг билиши зарур булган хусусиятлари таркибига укувчилярнинг эҳтиёjlари, кизикишлари, кобилятлари ва дунёкараши хам кириши мумкин. Бу уринда шуни алохида таъкидлаб утиш лозимки, руҳий соглом булган болалар ичида умуман кобилятсиз укувчилар булмайди, хар бир укувчи маълум соҳада кобилятга эга туюлади.

-укувчилярнинг ёш хусусиятларини хисобга олиш хам алохида ахамият касб этади. Хар бир ёш даври муайян психологик хусусиятларга эга булади. Айникса усмирлик ёшига утиш даври педагоглардан узига хос муносабатда булишни талаб килади.

Биз юкорида тухталиб утган шахс сифатлари укувчилар билими ва таълим-тарбия жараёнида хисобга олиш зарур булган укувчилар руҳий хусусиятларининг хаммасини камраб олмайди. Балки уларнинг бир кисми булиб бизнинг фикримизча асосийларини ташкил килади.

Биз талабаларга услубий ёрдам сифатида узларининг ва укувчиларнинг темпераментини, узига берган баҳосининг даражасини, мулокот ва ташкилотчилик кобилятини аниклашга хамда укувчиларнинг синф-жамоасидаги обрусини урганишга мулжалланган бир неча услубларни тавсия киламиз.

## **II.2. Мулокот учун бола темпераменти ва уни аниклаш йуллари.**

Кишилар узига хос хулк-автор хусусиятлари билан бир биридан ажралиб туришади. Баъзилар жуда серхаракат жушкин, кузголувчан булишса баъзилар босик хотиржам булишади.

Мана шундай одамларнинг узига хос (индивидуал) психологик хусусиятларидан бири темпераментdir. Психологияда темперамент деганда киши психик фаолиятининг, характерининг утиш тезлигини (динамикасини), хис-туйгуларининг ифодаланишини, мулокотга киришувчанлигини белгилайдиган нисбатан баркарор тугма индивидуал-психологик хусусияти тушунилади.

Одатда темпераментнинг сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик каби типлари ажратилади.

Юкорида биз хар бир темперамент типига мос булган кишилар хулк авторининг умумий ва асосий хусусиятларига тухталиб утгандик. Дастребки карашда баъзи темперамент хусусиятлари «яҳши» баъзилариники «ёмон» туюлиши мумкин. Аслида эса темперамент типларининг «яҳши» ёки «ёмон»и булмайди.

Барча темперамент типларининг хам ижобий ва салбий томонлари мавжуд.

Бундан ташкари реал хаётда юкоридаги темперамент типлари «тоза» холда кам учрайди, яъни бир киши хулк авторида сангвиник ва холерик темпераментга хос хусусиятлар учраб туради.

Одамлар темпераментини уларнинг хулк-авторини мунтазам кузатиш мумкин, бунда улар характернинг ва хис-туйгуларининг ифодаланишини янги шароитга, фаолиятга мослашиш хамда мулокотга киришувчанлиги алохида эътибор бериш лозим. Темперамент хусусиятларини тугри ва аник урнатиш учун маҳсус мулжалланган тест услубларидан фойдаланиш максадга мувофиқдир.

Шундай услублардан бирини тавсия этишдан олдин укувчилар темпераментини билиш ва таълим тарбия жараёнида хисобга олишнинг баъзи бир муҳим психологик томонларига тухталиб утмокчимиз.

Агар укувчилар темпераментини узгартириб булмаса, уни аниклашдан максад нима, деган уринли савол тугилиши мумкин. Тугри темперамент хусусиятлари тугма булганлиги учун бутунлай узгартириб булмайди.

Шундай экан, ота-оналари, укувчилар ва тарбиячилар интилиши болалар темпераментини узгартиришга эмас, балки уни мулокот жараёнида хисобга олишга йуналган булиши зарур.

Таълим-тарбия жараёнида холерик темпераментли болалар фаолиятини тез-тез назорат килиб туриш, йул қўйган хатоларини ёки хулк-авторидаги камчиликларни уз вактида курсатиб туриш, уларга нисбатан талабчан булиш уринли. Улар билан мулокотда киши узини дадилрок тутиш, лекин каттик ёки купол муомалада булмаслиги, уларнинг эмоционал холатларини хисобга олган холда муносабат урнатиши жоиздир.

Сангвиниклар олдига имконият борича у учун кизикарли ва янги вазифалар куйиш, хар бир ютугини рагбатлантириб туриш унинг фаолиятининг самарали булишини тамиnlайди. Флегматикларни фаоликка ундан, кизикириб, мунтазам равишда уларга эътиборни каратиб туриш лозим. Укиш, ёзиш тезлигининг сустлигини, бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга утиш, мослашиши кийинлигини хисобга олиш лозим. Меланхоликлар билане алоҳида эҳтиёткорона муносабатда булган маъкул. Имконияти борича уларни камрок танкид килиб, купрок макташ ва рагбатлантириш зарур.

Бирон-бир камчилигини курсатмокчи булсангиз хам, бир узига алоҳида аввал ижобий хислатларни таъкидлаб, хатосини тушунтиришга харкат килиш мумкин. Улар билан мулокотда куполлик, каттик гапириш, купчилик олдида изза килиш мумкин эмас.

Бола темпераменти хусусиятларини билиш учун хулк-авторини маълум вазифаларда олдиндан тасаввур килиш имкониятини беради. Масалан, укувчилар театр ёки кино бошланишига кечикиб келади, деб тасаввур килайлик. Холерик одатда, бундай вазиятда шошиб-пишиб кандай булмасин киришга харакат килади. Сангвиник назоратчининг кунглига йул топиб хушмомалалик билан киришга интилади. Флегматик эса bemолол кейинги сеансни кутиши ёки хеч нарса булмагандек кайтиб кетиш мумкин. Мелохолик бу вазиятдан кучли таъсирланиши узини омадсиз хисоблаб хафа булиши мумкин.

Демак укувчилар темпераментини билиш улар билан педагогик мулокотни окилона ва самарали ташкил килиш имкониятини беради.

Укитувчилар куйида тавсия килинаётган тест оркали узларининг ва укувчиларнинг темперамент хусусиятларини аниклашлари мумкин. Бу усул Г.Айзеник томонидан узбек тилига таржима килиниб, маҳаллий шароитга мослашган. Урганишни ташкил килиш учун синалавчига жавоблар ёзиладиган когоз саволларга кандай жавоб бериш буйича курсатма ва саволлар матни берилади.

### **III-боб. Мулокотда укувчи синф жамоасида мавкеини аниклаш йуллари.**

Бола шахси асосан бошка одамлар билан мулокотда булиш ва биргалиқдаги фаолият жараёнида шаклланади. Шахс шаклланишига бошка омиллар билан биргалиқда у улгаяётган ижтимоий мухит жамоа ва

гурухлардаги муносабатлар тизими жуда каттадир. Шунингдек укувчилар шахсининг ривожланишида унинг синф жамоасида тутган ижтимоий урни, жамоадаги психологик иклим синф жамоасининг жипслиги ва унда кабул килинган гурухий нормалар, урф-одатлар ва анъаналар мухим ахамият касб этади.

Педагоглар билан биргаликда педагогларнинг бу билимларига асосланган холда синф жамоаси билан мос мулокот урнатиш ва уни бошкариш куникмаларига эга булиши укувчилар жамоасининг тарбиявий потенциалини оширади.

Укувчилар жамоасидаги шахслараро муносабатлар хакида объектив маълумотларни олиш педагоглардан жамоани урганишнинг психологик услубларини педагогик фаолиятда куллаш сирларини эгаллашларини талаб килади. Синф жамоасини урганишда кузатиш, сухбат, тажриба (эксперимент) анкета ва куплаб шунга ухшаш психологик тадқикот услублари кулланилади. Мана шундай услублардан бири социометрия методид. Социометрия атамаси америкалик психолог Д.Ж. Мерено томонидан фанга киритилган булиб, гурухларда «муносабатларни аниклаш» деган маънони билдиради. Социометрия методи гурухлар ва жамоаларда кишиларнинг шахслараро муносабатларнинг хусусиятларини, гурух аъзоларининг жамоада тутган ижтимоий урнини (статусини) ва жамоадаги кичик гурухчалар таркибини аниклаш учун кулланилади.

Социометрик метод оркали синф жамоасидаги шахслараро муносабатлар хусусиятларини урганиш куйдагича утказилади.

Аввал шахслараро муносабатларнинг у ёки ёктираслигига караб бир-бирини туплашларини аниклаш учун бериладиган саволларадан иборат булади. Масалан, «синфдошларнинг ичидан сен кимлар билан бир партага утиришни хохлайсан» Синфдошларинингдан кимлар билан биргаликда дарс тайёрлашни хохлар эдинг? Ёки «якинда биз синф укувчилари билан саёхатга чикмокчимиз.

Саёхатга 4-5 кишидан иборат гурухларга булиниб чикишга тугри келади. Шунинг учун шундай гурухлар таркибини укувчиларнинг узларининг хохишига караб аниклаш ниятидамиз. Сен синфдошларингдан кимлар билан биргаликда саёхатга боришини истайсан. «Синфдошларингдан кимларни тугилган кунгини нишонлашга таклиф килган булар эдинг?» каби саволлар тузилади. Саволларни тузишда куйидагиларни хисобга олиш зарур а) куйилаётган хар бир савол муайян хаётий вазиятлар билан боялик булиши лозим. б) укувчиларнинг ёш хусусиятларини хисобга олган холда тузилади. в) саволлар укитувчилар муносабатларининг ички томонини урганишга йуналган булиши мумкин. Укувчиларнинг иш фаолиятига булган муносабатларини аниклаш учун укиш вазиятлари билан боялик саволлар берилади. Укувчиларнинг шахсий муносабатларини аниклаш буйича мос саволлар танлаш лозим булади. Бундай саволар сифатида юукоридаги мисолларнинг учун туртинчи саволларини курсатиш мумкин. Синф жамоасининг ижтимоий психологик хусусиятларини урганиш учун кимда

иккита савол буйича, яъни иш буйича муносабатларини ва шахсий муносабатларини аникладиган саволлар буйича тадқикот утказилади.

Саволлар тузилиб булгандан кейин уларни маҳсус көз карточкаларга ёзиб олувчиларга тақдим этиш ёки оғзаки айтиш хам мумкин. Кейин шу саволлар асосида ҳар бир укувчи билан алохида сұхбат утказилади. Буни синаловчи укувчиларга күйидаги курсатиб беради. «Хозир сизга синф жамоасидаги узаро муносабатингизга тааллукли савол берилади. Масалан синфдошларингиз билан саёхатта чикишни хохлайсизми? Мана бу тоза бир варакнинг юукорисига уз фамилянгизни ёзиб кейин варакнинг уртасидан вертикал чизик утказиб варакни икки кисмга ажратинг. Варакнинг чап кисмiga синфдошларингиздан кимлар билан саёхатта чикишни хохласангиз шу кишилар фамилясини ёзинг». Синаловчилар учун берилган курсатмада неча кишини танлаш мумкинлиги ёки танлаш чекланганлигини хам эслатиб утиш зарур. Чунки тадқикотда күйилган вазиятта караб баъзан нечта кишини танлаш курсатилади баъзан эса танлов сони чекланмайди шунингдек курсатмада ким-кимни таналагани ёки танламаганлиги сир сакланиши хамда укувчиларда бу нарсага ишонч хосил килдириш мухимдир.

Тадқикотчи (синф раҳбари, тарбиячи) ва. х.з саволга жавоб сифатида фамиля ёки исмлар ёзилган варакларни олиб уларда акс этган натижаларни маҳсус «социометрия» деб аталадиган жадвалга жойлаштириб чикади. Бу жадвал күйидаги куринишга эга булади.

№	Танланаётган гурӯҳ аъзоларининг фамилялари	Танланаётган гурӯҳ аъзоларининг тартиб ракамлари				
		1	2	3	4	5
1	Алимов Ш		+	-		-
2	Ботирова Г	+		+		
3	Валиева Д	+	+			-
4	Рустамова Л	+				
5	Шокиров Г	+	-			-

ва бошқалардан олинган танловлар.

(-), 4 2 2 0 0

(+) 0 1 1 0 3

(ж) 4 3 3 0 3

Бу жадвалда юукоридан пастта караб тажрибада катнашган биринчи танлаётган синф жамоаси аъзоларининг фамилялари ёзилган. Жадвалда мисол тарикасида беш киши курсатилган. Ётик чизик буйлаб жадвал юукорисида шу фамиляларнинг тартиб ракамлари ёзилган. Факат бунда жамоа аъзолари танлаш обьекти (танлаётган киши) сифатида белгилаётган жадвалдаги «+» белгиси ижобий танловни билдиради. Бизнинг мисолимизда (жадвалга каранг) Алимов Ш 2 3 тартиб ракамли яъни Ботирова Г ва Валиева Д каби синфдошлари билан биргаликда саёхатта бориш истагини билдирган.

5 ракамли Шокиров Г билан бундай истаги йуклиги ифода этилган.

Урганиш жараёнида олинган натижаларни кургазмали тасаввур килиш учун график усулидан фойдаланиш мумкин. Бу кургазмали график социограмма деб аталади.

### **Самарали тарбиявий таъсир курсатиш**

Педагогик мулокотнинг учинчи томони уқитувчининг укувчилар билан муомаласида, тарбиявий таъсир воситаларида номоён булади. У реал кузатиш мумкин булган мулокотнинг ташки томонини ташкил килади. Юкорида караб утилган биринчи ва иккинчи яъни укувчиларнинг рухий сифатларини билиш, уларни тушуниш, улар билан максадга мувофик муносабат урнатиш каби ички компонентлари билан узвий боғлик булиб маълум маънода уларнинг натижаси сифатида юзага келади. Педагог вербал ва новербал мулокот оркали уз фаолиятини амалга оширади. Укувчиларда маълум билим, куникма, малакалар шаклланишига эришади ва тарбиявий таъсир курсатади. Ушбу вазифаларни беришда мулокотнинг асосий воситаси нутк хисобланиди. Педагогик мулокотда нуткнинг куйидаги функцияларини ажратиш мумкин.

-маълумот берувчи яъни уқитувчининг укувчиларга нисбатан муносабатини ифодаловчи (тон, овоз тембири, интонация ва суз мазмуни оркали)

-ундовчи тарбиявий таъсир курсатиш

Одатда синф раҳбарлари, тарбиячилар, укувчиларнинг хулк-атворини ёки маълум муносабатларини узгартириш максадида индивидуал сухбатда педагог уқитувчининг бирор килган ишини танкид килади. Номакбул эканлигини таъкидлайди. Укувчи эса гоҳида индамай сукут саклаб туради ёки узини оклашга харакат килади. Купинча бу унинг такрорламаслиги хакидаги мажбурий ваъдаси билан якунланади. Бундай холларда укувчи бефарқ ёки узини химоялаш позитциясида туради. Синф жамоасида ташкил килинган сухбатлар бирор укувчининг хулк-атворини мухокама килган ёки тарбиявий ахамиятга эга умумий мавзулардаги сухбат тарзида утади.

Бундай сухбатлар купчилик холларда етарли самара бермайди. Сухбат самарадорлигини ошириш учун унга педагоглар дарсга тайёрланишдан хам зиёдрок хозирлик куришлари лозим. Укувчини бефарқлик холатидан чикара олмайдиган, калбни титрата олмайдиган, унинг хулк-атворида максадга мувофик узариш юзага келтира олмайдиган сухбат утказишдан кура утказмагани маъкул, чунки у фойдадан кура купрок заар беради.

Укувчилар билан тарбиявий таъсир курсатиш максади сухбатлашганда куйидаги мулокот коидаларига амал килиш максадга мувофик.

1. Сухбат максадини аниклаш (нима максадда сухбат утказмокчисиз ва натижада нимага эришасиз?)
2. Сухбатнинг тахминий планига эга булиш.
3. Узаро ишонч атмосферасини вужудга келтириш.
4. Педагог ёки укувчи жаҳли чиккан жушкин эмоционал кузгалиш холатида булган пайтда сухбатни бошгламаслик. Сухбатни дархол

укувчининг камчиликларини ёки хатосини курсатишдан танкид килишдан эмас, балки унинг ижобий хислатларини, афзаликларини таъкидлаб кейингина узгартериши лозим булган хулк-автор хусусиятларини ёки хатосини курсатиш максадга мувофик.

-укувчининг бу хатосини тушунишга ёки хулк-автор хусусиятини узгартеришга тулик имконияти ва кобилят мавжудлигини таъкидланг.

- укувчи шахсининг хусусиятларини яхлид холда умумий баъхолаш урнига, унинг йул куйган муайян хатосини ёки конкрет харакатларин баҳолашга харакат килинг.
- укувчилар хатосини дастлаб бевосита эмас балки билвосита курсатишга интилинг.
- Сухбатдошингизга бирор нарсани буюриш урнига илтимос килинг ёки савол беринг
- Кишиларга доимо узининг обрусини ижобий мавкеини саклашга имконият беринг.
- Кишиларнинг энг кичик мувофаккяйтларини куллаб кувватлаб, эришган ютукларини таъкидланг.
- Макташда саҳий баҳолашда самимий ва ростгуй булинг
- Кишилар тугрисида доимо репутация (ном) яратишга харакат килинг. Улар шу мовкеини номни саклашга интилсинглар.
- Сухбат жараёнида узингизнинг эмоционал холатларингизни назорат килишга педагогик тактни йукотмасликка интилинг.
- Укувчини диккат билан гапини булмай тинглашга урганинг.
- Боланинг устидан кулишдан мазах килишдан, шахсини, гурурини ерга уришдан узингизни тухтатинг.
- Укувчининг шахси хакида шошилинч ва айникса «якуний» хулоса чикаришдан узингизни сакланг.
- Умуман «ёмон» ёки бутунлай «яхши» киши булмай хаётдаги реал кишиларнинг хар бири хам ижобий хам салбий хусусиятларга эга булишини унутманг.
- Юкорида мулокот коидаларини мукаммал узлаштириш ва педагогик амалиётда уларга амал килиш укувчилар билан булган мулокот жараёнини такомиллаштириш учун кенг имконият яратади.

## ХУЛОСА.

Уқитувчилар уз укувчиларининг психологик хусусиятларини билиш лозимлиги хеч кимдан шубҳза тундирмайди, лекин укувчи

психологиясининг кайси томонларини билиш зарур ва уларн урганишда кайси амалий психологик услублардан фойдаланиш мумкинлиги каби саволлар куплаб уз устида ишлайдиган укитувчилар учун долзарб саналади. Укувчининг психологик хусусиятларини хисобга олишдан педагогик мулокот муҳим ахамият касб этиши хаммага маълум.

Муомила хамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб чикувчи шахслараро мулокот ривожланишининг куп киррали жараёнидир. Педагогик мулокот бу укитувчининг укувчиларга таъсир этказиш усуllibарини муайян тизимини акс эттиришдир.

-хамкорлик      иштирокчиларининг      узаро      ахборот алмашинувчи

Турлича коммуникатив воситалар ёрдамида укитувчи томонидан укувчилар билан узаро таъсир ва узаро муносабаталарни ташкил килиш;

-муайян максадни дастур асосида амалга оширишни ривожлантириш ва утказиш функциясини бажариш кабилар;

-педагогик фаолиятда муомала биринчидан укув фаолиятини яккахол бажаришнинг воситаси, иккинчидан тарбия жараёнини таъминлашнинг ижтимоий психологик тизими; учинчидан таълим тарбиянинг муваффакиятини таъминловчи укитувчи билан укувчиларнинг узаро муносабатининг муайян тизимини ташкил килиш усули; туртинчидан укувчи индивидуаллигини такомиллаштириш, истеъодини карор топтириш имконини берувчи жараён эканлиги; бешинчидан яккахол фаолиятни «субъект-субъект» сифатида руёбга чикириш асосидадир.

Муомала жараёнда ва хамкорлик фаолиятида уктиувчининг укувчиларга таъсир утказиши натижасида уларда:

-уз-узини ва узгаларни хурмат килиш;

-уз-узини ва бошқалар фаолиятини, хулкини баҳолаш;

-уз-узини ва узгаларни назорат килиш;

-уз-узини англаш ва узгаларни тушуниш

-уз-узини бошқариш (хам билиш фаолиятида хам хулк-атворида)

-уз-узини такомиллаштириш ва янги фазилатларни эгаллаш;

-вокейлик махсузини олдиндан билиш, олдиндан башорат килиш шаклланади;

Хулоса килиб айтганда мазкур малакавий ишимизнинг ахамиятли томони шундаки, педагогик мулокотнинг психологик жихатларини асослаш ва уни таҳлил килишнинг булажак кадрларни тайёрлашда муҳим хизмати булади деб хисоблаймиз.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.**

1. Э Гозиев. Психология. Тошкент 1993.

2. К.К.Плотонов. Кизикарли психология. Тошкент 1971.
3. А.Шчербаков. Умумий психологиядан амалий машгулотлар.
4. Петровский А.В. Илмий психология.
5. М.В.Вохидов. Психология фани нимадан бахс этади?.
6. Э.Гозиев Тафаккур психологияси. Тошкент 1994.